Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 113 (5404).
21 МАЙ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Факт ва шарҳ

ЯНГИ ХАЛҚАРО ҲАВО ЙЎЛИ

КЕЧА кечқурун Аэрофлот тарихида биринчи марта Тошкент—Варна — ТУ—154 самолёти Тошкент аэропортига қўнди.

Тошкент маршрутида ҳаво йўлини очган

Узбекистон ССР Узбекистон Компартияси ташкил этилганлиги ҳамда республика авиацияснинг 60 йиллиги нишонланаётган йилда Тошкент аэропорти учувчилари яна бир халқаро ҳаво йўлини очишда муваффақ бўлди.

Тошкент аэропорти мамлакатда биринчилардан бўлиб мунтазам халқаро трассаларга хизмат кўрсатаётган ҳаво дарвозаларидан биридир. Бизнинг пойтахтимиз ўзига хос шарқ дарвозаси, у жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига борадиган ҳаво йўллари чорраҳасида жойлашган. Ўтган йилдан бошлаб тошкентлик авиаторларнинг ўзлари ҳам мунтазам рейсларни бажара бошлашди. Бугунги кунда пойтахт авиакорхонаси учувчилари бошқараётган самолётлар Тошкент —Кобул—Тошкент, яқиндан бошлаб эса Тошкент— Варна — Тошкент маршрутида парвоз қила бошладилар. Совет ва чет эл туристларининг ана шу ҳаво йўлига бўлган эҳтиёжи туфайли халқаро рейс амалга оширилди. Тошкентдан Варнага учган самолёт юздан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатади. У Варна шаҳридан ҳам кўпгина сайёҳлар билан Тошкентга қайтиб келди. Бундан буён Ўзбекистон авиаторлари бошқарган самолётлар ушбу трассада мунтазам парвоз қилади.

ТУ—154 самолёти энг тез учар ва комфортабел самолёт бўлганлиги учун ҳам Тошкентдан Варнагача бўлган масофани қўнмасдан тўрт ярим соатда босиб ўтади.

Совет ва чет эл туристлари янги авиатрассадаги биринчи парвознинг аҳамиятига, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти, учувчилар маҳоратига катта баҳо бердилар.

Биз Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси В. В. Гуменюкдан ушбу воқеани шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

Мамлакатимиз ҳаво йўлларининг ривожланиши, ҳаво трассаларининг кенгайиши, самолётларнинг янги-янги типлари ишга туширилиши ҳаво транспортининг ҳажмини ошириш, унинг имкониятларини кенгайтиришга имкон беради. Ҳозирги кунда ҳаво йўллари орқали йилига 100 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда. Бу эса 1940 йилдагига нисбатан 100 баробар кўпдир. Ҳаво йўллари орқали ташилаётган йўловчилар сонининг ортиб боришига ҳаво транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан тезлиги, қулайлиги ва ишончлилиги сабаб бўлмоқда. Ҳаво йўллари орқали ташилаётган йўловчилар сонининг ортиб боришига ҳаво транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан тезлиги, қулайлиги ва ишончлилиги сабаб бўлмоқда. Ҳаво йўллари орқали ташилаётган йўловчилар сонининг ортиб боришига ҳаво транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан тезлиги, қулайлиги ва ишончлилиги сабаб бўлмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АКТИВЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистонда хотин-қизлар орасида иш олиб борувчи республика кенгаши тузилди. Кенгаш Ўзбекистон хотин-қизларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг куч-ғайратини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этиш билан боғлиқ кўп қиррали ишларни бажаришга даъват этилган.

19 май куни кенгашнинг биринчи мажлиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Ҳ. Абдуллаева раислигида бўлди.

Мажлис қатнашчилари кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқладилар, унинг вазифалари: хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш масалаларини ўрганиш, уларни социалистик мусобақага кенг жалб этиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатига кенг жалб этиш, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини яхшилашга кўмаклашиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги совет қонунларини пропаганда қилиш ва уларга риоя этишдан иборат.

Кенгаш соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, социал таъминот муассасалари ишини такомиллаштиришга кўмаклашиши керак.

Мажлисда В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сегедин меҳнаткаш хотин-қизларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини ошириш масалаларини ўрганишланадиган республика илмий-амалий конференциялари, симпозиумларининг асосий мавзуларини тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

ЮЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, меҳнаткашларнинг сиёсий ўқиши ва ижтисодий таълимини такомиллаштириш ишига катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитети бўлим мудирининг ўринбосари ўртоқ Арфик Александровна **Осипова**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг ТАСС мухбири саволларига жавоблари берилган.

● Ўртоқ А. А. Громиконинг қуролсизланиш ва тараққиётнинг ўзаро алоқалари проблемалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари Х. Перес де Куэльярга йўллаган мактуби эълон қилинган.

● «Бригададаги коммунист» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари берилган.

К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

Америка олимлари мурожаатига жавоби

Ҳурматли жаноблар!

Сизлар жаҳон мамлакатларининг раҳбарларига мурожаат этиб, ажал келтирувчи қуролнинг космосга чиқарилишига йўл қўймасликка, қуролланиш пойгасининг янги йўналиши пайдо бўлишининг олдини олишга яна даъват этганлигингиз ғоят муҳимдир. Шу муносабат билан Американинг таниқли олимлари билдираётган хавотирлик бизга жуда тушунарли.

Космик фазо фан ва техника улуғвор ютуқларининг рамзи бўлиб қолди. Уни тинч йўл билан ўзлаштириш талайгина самаралар бермоқда. Аммо баъзи кимсалар космосни агрессия ва уруш майдонига айлантиришни истардилар. АҚШда эълон қилинган режалардан шу нарса яққол кўриниб турибдики, космосга ракеталарга қарши воситаларни чиқариш, йўлдошларга қарши ҳар хил турдаги системаларнинг ишлаши учун кенг имконият яратиб бериш, ердаги, осмондаги ва денгиздаги нишонларга зарба уриш мақсадида қуролларнинг ўта янги турларини жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Совет Иттифоқи ҳар қандай турдаги қуроллар билан, шу жумладан космик қуроллар билан қуролланиш пойгасига қатъиян қаршидир. Айни вақтда шу нарса тушунарли бўлиши керакки, Совет Иттифоқи космосдан таҳдид қилинаётган бир пайтда ўз хавфсизлигини пухта таъминлаш учун чоралар кўришга мажбур бўлади. Космос орқали ҳар бир устунликка йўл очиш мумкин, деган режалар хом хаёлдир. Бироқ шундай режалардан воз кечишни истамаяптилар, бу эса ниҳоятда хатарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Вақт ғаниматида воқеаларнинг шундай боришига йўл қўймаслик — масъулиятли давлат арбобларининг, олимларнинг, инсоният келажаги тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилаётган барча кишиларнинг бевосита бурчидир.

Қуролланиш пойгасини космосга олиб чиқишдан иборат машъум режалар реал воқеликка айланмаслиги учун Совет Иттифоқи мумкин қадар кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Космосни у ерда қурол жойлаштиришдан пухта ихота қилишга қаратилган сиёсат давлатларнинг мажбурий хулқ-атвор нормаси, ҳамма эътироф этган халқаро мажбурият бўлиб қолиши кераклигига ишончимиз комил.

Биз ракетага қарши кенг кўламдаги мудофаа системалари ишлаб чиқилишига қатъиян қаршимиз. Бундай системалар ядровий агрессияни жазосиз амалга оширишга мўлжалланган системалардан бошқа нарса деб баҳолиши мумкин эмас. Ракетага қарши мудофаа юзасидан Совет — Америка муддатсиз шартномаси мавжуд бўлиб, у ана шундай системалар яратилишини тақиқлайди. Шартномага сўзсиз риоя этилиши керак. Ракетага қарши системаларни космосда жойлаштириш ғоясининг ўзидан тантанали суратда воз кечиш мана шу шартноманинг руҳи ва мазмунига, космик кемаларнинг бутун инсоният манфаатлари йўлидаги тинч статусини таъминлаш вазифасига мос келган бўлур эди. Бундай тадбир дунёнинг ҳамма томонларида инсониятнинг тинч келажаги тўғрисида қилинаётган чин нагам ғамхўрлик ифодаси деб қабул қилинган бўлур эди.

Йўлдошларга қарши қуролни тақиқлаш тўғрисидаги масала ҳам сира кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Бундай қуролни жойлаштириш вазиятни кескин суратда беқарорлаштиришга, тўсатдан ҳужум қилиш хавфини кучайтиришга олиб келган, ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасида ишончни таъминлаш борасидаги куч-ғайратларга путур етказган бўлур эди. Буларнинг барчаси қанчалик хатарли эканлиги мутахассис олимлар бўлмиш, сизларга ҳаммадан кўра яхшироқ тушунарлидир.

Космик фазони ҳарбийлаштиришдан иборат даҳшатли жараён муқаррар тус олмасдан туриб шошилинч қадамлар қўйиш зарур. Бу ишда пропаганда мақсадидаги найрангларга, бирон-бир муваққат афзалликларни ўзига таъминлаб олиш йўлидаги уринишларга ўрин бўлмаслиги керак. Космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик проблемаси — умумбашарий аҳамиятга молик проблемадир. Бу проблема тубдан ҳал этишни талаб қилади. Шундай ҳал этишга бемалол эришса бўлади. Халқлар олдидаги масъулиятни тўла-тўкис англаш, шартномага эришиш иродасини намоён этиш лозим.

Биз қурол-яроғнинг космос сари йўлини тўсишга интилиб, космик фазода ва космосда туриб Ерга нисбатан куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисида шартлашиб олишга таклиф этдик. Бундай шартнома, жумладан йўлдошга қарши қуролдан батамом воз кечишни, шу жумладан ҳозирдаёқ мавжуд шундай системалар тугатилишини назарда тутган бўлур эди. СССР шартномага эришишни енгиллаштириш учун йўлдошларга қарши қуролни бошқа мамлакатлар ҳам космосга чиқармай турганларига қадар ўзи ҳам шундай иш тутишини бир томонлама тартибда эълон қилди.

Совет Иттифоқининг ташаббуси жаҳонда кенг кўламда қўллаб-қувватланди. Тегишли амалий тадбирларни ишлаб чиқишга киришишдан воз кечишни сира ҳам оқлаб бўлмайди ва оқлаш ҳам мумкин эмас. Космик фазони ҳарбийлаштиришнинг барча йўлларини пухта тўсиб қўйишни назарда тутиб, ҳеч қандай шартлар ёки писандаларсиз расмий музокараларни бошлаш талаб этилади. Мана шу одилона ва ниҳоятда инсонпарвар мақсадга кўмаклашиш — барча мамлакатлардаги сиёсат ва жамоат арбобларининг бурчидир. Совет Иттифоқи тегишли шартномага эришиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга азму қарор берган.

Сизларнинг кимни бошқарадиган, шунингдек кимни бошқармайдиган космик кемалардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни чеклаш тўғрисидаги шартноманинг совет лойиҳасидаги коидага тааллуқли конкрет фикр-мулоҳазаларинг и з г а келганда, уни расмий музокаралар чоғида кўриб чиқиш мумкин бўлур эди.

Мавриддан фойдаланиб, сизларга қуролланиш пойгаси космик фазога ёйилишининг олдини олиш борасидаги фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Ҳурмат билан

К. ЧЕРНЕНКО.

КОСМОС ҲАРБИЙЛАШТИРИЛИШИГА ҚАРШИ

Американинг таниқли олимлари Р. Гарвин билан К. Саган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога мактуб йўллаб, унда космик фазо ҳарбийлаштирилиши билан боғлиқ хавф-хатар сабабли астойдил ташвишланаётганликларини билдирадилар.

Мактуб муаллифлари БМТ Бош Ассамблеясининг ўтган сессияси муҳокамасига тақдим этилган шартнома — «Космик фазода ва космосда туриб Ерга нисбатан куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома»нинг Совет лойиҳасини қўллаб-қувватлаб фикр билдирадилар.

Улар Совет Иттифоқи космик қуролни тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан 1983 йил баҳорида Америка олимлари ва жамоат арбобларидан катта бир группасининг даъватига ижобий жавоб қайтарганлигини қайд этиб ўтадилар. Эндиликда улар проблема тобора кўпроқ кескинлашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, яна жаҳон мамлакатлари раҳбарларига ҳар қандай қурол турлари космосда жойлаштирилишини, шунингдек, ҳар қандай давлатнинг йўлдошларига зиён етказилишини ёки уларнинг йўқ қилинишини тақиқловчи битим тўғрисида шартлашиб олиш даъвати билан яна мурожаат этмоқдалар.

Мактуб муаллифлари киши бошқарадиган космик кемалардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни чеклаш хусусида баъзи конкрет мулоҳазаларини баён этадилар. (ТАСС).

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНГА ТАЙЁР!

● ФЕСТИВАЛЬ БАЙРОҚЛАРИ ҲИЛПИРАМОҚДА

● САНЪАТ БАЙРАМИ—ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон пойтахти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали очилишига тайёрланаётган. Бу галги киноанжуманга жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатлари кинематографчилари, турли жамоат ташкилотлари, планетамиздаги кўпгина мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюради.

Газетамизнинг биринчи ва учинчи саҳифасида берилаётган материалларда Тошкент заминида кино усталарини кутаётган меҳмондўстлик ҳақида ҳикоя қилинади.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ДЎСТЛАР!

«Фестиваль қатнашчиларига салом!». — Самимий дил сўзлари ёзилган шиорлар ва транспарантлар киноанжумани қатнашчиларини кутиб олаётгандек. Меҳмонларнинг ҳар бир келиши бу Тошкент билан бўладиган янги учрашувлардир.

1968 йилда очилган биринчи кинофестиваль шаҳримизнинг энг яхши санъат кошонаси — Санъат саройида бўлган эди. VII кинофестиваль эса В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида бўлди. Бу сафар кўрик қатнашчилари яна бир янгиликларнинг гувоҳи бўладилар. Улар «Москва» меҳмонхонаси, «Дўстлик» уйжой комплекси ва бир қатор янги қурилишларни кўришади.

Шаҳримизнинг кўпгина майдонлари ва кўчаларида фотокўргазмалар очилади. Кўчаларни ўнлаб транспарантлар, вимпеллар, ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида ёзилган плакатлар безаб турибди. Кинофестиваль юмушини бажарувчи барча хизматлар жойлашган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси кино байрамининг марказига айланган. «Рассом» комбинатининг А. Чаткаускас ва С. Аванесов сингари таниқли рассомлари бошлиқ ижодкорлар «Ўзбекистон» меҳмонхонасини, бир неча кўргазмалар ва майдонларни безатиш борасида талай ишларни бажаришди.

Фестиваль қатнашчилари ўтган йили ўзининг 2000 йиллик катта тўйини нишонлаган ва ҳозирда ҳам навқирон ва меҳмоннавоз бўлиб турган Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент жамолини яна бир бор кўрадилар. «Хуш келибсиз!» азиз фестиваль қатнашчилари.

ФЕСТИВАЛЬ ЭМБЛЕМАСИ БИЛАН

Бугун тошкентликлар тонг отарданоқ кўчаларда фестиваль эмблемаси акс эттирилган машиналар пайдо бўлганлигини кўришди.

— Биз ҳар икки йилда ҳақли равишда фестиваль қатнашчиларига айланамиз, — деди мухбиримиз билан суҳбатда «Главташпассавтот р а н с» бошлиғи Ж. А. Шорахмедов. —Биз кўрик меҳмонлари, қатнашчиларига хизмат кўрсатишимиз билан беҳад хурсандмиз.

Бу йил 2-автокомбинатнинг энг моҳир ва илғор ҳайдовчилари «ГАЗ—24» «Волга» маркали 70 та янги машинанинг рулига ўтиришди. Яна 20 та шофёр РАФ машиналарини бошқармоқда.

Ҳайдовчиларнинг иш куни фестиваль программасига асосан тузилган. Ҳайдовчиларимиз фестиваль қатнашчиларини олий ўқув юртларида бўладиган учрашувларга ҳам етказиб қўйишади, музейлар ва янги қурилиш масканлари билан танишишда ёрдам беришади. Фестивалга келадиган ҳар бир меҳмон бизнинг гоятда самимий ва меҳмоннавозлик билан кутиб олаётганлигимизнинг шоҳиди бўлади. Кино байрами дўстлик ва тинчлик байрамидир.

КИНОЧИЛАР УЙИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Республика Киночилар уйида кинофестиваль қатнашчиларини қабул қилиш учун барча тайёргарлик ишлари бажарилди. Унинг залларида ўн кун мобайнида жаҳон киностудияларида яратилган энг яхши фильмлар намойиш этилади. Ўз фильмларини кассеталар шаклида олиб келган меҳмонларга саккизта видеомагнитофонлар хизмат кўрсатади.

VIII Халқаро Тошкент кинофестивали доирасида Бутуниттифоқ «Совэкспортфильм» бирлашмаси ўтган йилларда бўлгани каби кино бозорида Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларининг ўнлаб продюсерлари, прокатчилари ва кинотеатрларнинг эгалари қатнашадилар.

«Совэкспортфильм» олади, бизнинг прокатчиларимиз эса ўз фондларини бошқа мамлакатлар экран усталарининг энг сара асарлари билан бойитадилар. Бу галги кино бозорида Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларининг ўнлаб продюсерлари, прокатчилари ва кинотеатрларнинг эгалари қатнашадилар.

«Совэкспортфильм» кейинги йилларда яратилган картиналардан иборат катта программа тайёрлади. Бу ранг-баранг программа билан фестиваль қатнашчилари киночилар уйида намойиш этиладиган «Совет экспорт фильмлари» кўргазмаси орқали танишадилар. Кино бозорига «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Ач.чиқ данак», «Даҳонинг ёшлиги», «107-инструкция бўйича тўнтариш» ва бошқа фильмлари тақдим этилади.





Кино бозор рассомлари А. Патов ва С. Аванесовлар ўз вазифаларини аъло даражада бажардилар. Кино заллари байрамлардагидек ранг-баранг информация воситалари билан жиҳозланди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Жавлон Умарбеков ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Баҳром Жалоловлар кино залнинг юқори фойесига монументал композиция ишладилар.


Киночилар уйининг вестибюль ва фойелари фестиваль кунлари кенг кўргазмалар залига айланади. Бу ерда республика рассомлари, ҳайкалтарошлари ва кулолларининг энг яхши асарлари намойиш этилади.

Бундан икки йил муқаддам СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Л. А. Кулижанов Киночилар уйи очилишида «Бу бино чинакам ижод маскани бўлади» деган эди. Чиндан ҳам республика Киночилар уйида Халқаро Тошкент киноанжумани қатнашчилари ва меҳмонлари бир-бирлари билан ижодий мулоқот олиб боришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бу ерда «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзусида ижодий мунозара бўлади. Бутуниттифоқ Кинематография институтини битириб, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида ижодий иш олиб бораётган экран усталари ўзларининг анъанавий учрашувларига йиғиладилар.

* * *

СУРАТЛАРДА: республика Киночилар уйи; Киночилар уйи фойесида фестиваль арафасида ишланган монументал композициядан фрагмент.

В. Дубровский фотолари.



БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўнинчи сессияси 1984 йил 24 май куни соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар зали (Шароф Рашидов проспекти, 9-уй) да очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

● Футбол

«Пахтакор»—«Қайрат»—1:1

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ўтган шанба куни СССР чемпионатининг навбатдаги турида ўз майдонида Олмаотанинг «Қайрат» командасини қабул қилди. Учрашув 1:1 ҳисобида тугади. Тўпларни Якубин («Пахтакор») ва Пехлеванидн («Қайрат») киритдилар.

Шу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Металлист» — 2:0, «Арарат»—«Днепр» — 1:3, «Динамо» (Москва) — МАСК—0:1, «Спартак» — «Торпедо» — 0:0, «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Киев) — 1:1.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Республика Киночилар уйида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, қорақалпоқ ҳайкалтарошлари Абдумўмин Бойматов ва Жўлдосбек Қўттимуродовлар яратган асарлар кўргазмаси очилди.

●

Тошкент шаҳар маданият бошқармаси барча кутубхоналарда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро Тошкент VIII кинофестивалига бағишлаб китоблар кўргазмаларини ташкил этди. Уларга уч қитъа адибларининг социал тараққиёт, халқлар озодлиги, тинчликка бағишланган жуда кўп китоблари намойишга қўйилган.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совуқ 11 да Тошкентда 24 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 12—17, кундузи 26—31 даража иссиқ бўлади.

Партия турмуши: сиёсий маориф шаҳобчаларида

ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Партия маорифи, оммавий-сиёсий ўқиш шаҳобчалари иш услубини такомиллаштиришда, машғулотларнинг актив формаларини ривожлантиришда шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, муассасалар партия ташкилотларининг катта жонбозлик кўрсатмоқда. Улар КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган қонда ва хулосаларни амалга ошириш йўлида ибратли ишлар қилмоқдалар.

Қуйида пойтахтдаги икки йирик корхона — «Ташсельмаш» заводи ва «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси сиёсий маориф кабинетларининг етакчилари ана шу борада олиб борилаётган ишлари ҳақида сўзлаб беришади.

Якунловчи машғулотларга пухта ҳозирлик

Н. Д. КУЗЬМИН,
«Ташсельмаш» заводи сиёсий маориф кабинетининг мудири.

— Сиёсий маориф, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим шаҳобчаларида бу йилги ўқув йили якунловчи босқичга кирмоқда. Биз ўқув йилининг якунига ҳар томонлама тайёргарлик кўряпмиз. Партия комитети якунловчи машғулотларни ўтказиш бўйича тадбирларни белгилади. Яқин кунларда корхонамизда пропагандистлар семинарини ўтказамиз.

Хўш, якунловчи машғулотлардан кўзда тутилган мақсад нима? Бутун ўқув йили даврида тингловчилар олган билим ларини янада мустаҳкамлаш, партиямиз XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун курашда ана шу билимларни қандай қилиб ишга солишда тингловчиларга ёрдам беришдир.

Сиёсий маориф кабинети якунловчи машғулотларни ўтказишнинг форма ва методларини белгилаб олди. Биз бу йил марксизм-ленинизм асослари мактаби ва ёш коммунистлар мактаби учун якка тартибда суҳбатлар ўтказамиз. Бундай суҳбатларни ўтказиш планлари тасдиқланган. Якунловчи машғулотларни ўтказиш тартиби муҳокама этилиб, барча пропагандистларга маълум қилинди. Шунингдек, илмий-амалий конференция ўтказишга ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти.

Ўз навбатида сиёсий маориф кабинети якунловчи машғулотлар проблематикаси, ўқув йилини якунлаш билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқди. Биз бунинг аҳамиятини чуқур тушуниб, тематик диафильмлар ва бошқа техника воситалари, кўргазмали материаллар, зарур адабиётлар, бир қанча қизиқарли материалларни муҳайё этганмиз. Булар ҳаммаси машғулотларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга, шак-шубҳасиз, ёрдам беради.

М. Пинскер, К. Гуревич, М. Егоров, В. Василенко сингари энг яхши пропагандистларимиз якунловчи машғулотларга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришяпти. Мавжуд 17 та мактабда тингловчилар фаоллигини ошириш, машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини кўтариш ва ўқув самарадорлигини ошириш борасида тадбирлар кўрилмоқда. Бу масалалар доимо партия комитети, сиёсий маориф кабинетининг диққат марказида турибди.

Пропагандистлар партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларининг моҳиятини кенг тушунтиришга, уларни амалга оширишда коммунистларнинг ролини кучайтиришга, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Юксак талаблар асосида

В. М. КРАМАРЕНКО,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси сиёсий маориф кабинетининг мудири.

— Ўн биринчи беш йиллик план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашаётган бирлашмамиз коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий активлиги ҳар қачонгидан жўш урмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашда якунловчи машғулотлар тингловчиларга ёрдам бериши шак-шубҳасиздир.

Якунловчи машғулотлар тингловчиларнинг қанчалик мустақил иш олиб бориш қобилиятини баҳолашнинг ўзига хос мезонидир. Шунинг учун якунловчи машғулотларга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриб бориш лозим. Владимир Ильич Будилин, Борис Рашидович Аҳтямов, Борис Сергеевич Лукинов, Раис Муҳаммаджонович Муфтахов сингари тажрибали пропагандистлар тингловчиларнинг таклиф ва истакларини қунт билан ўрганиб, умумлаштирмоқдалар. Уларнинг тажрибаси шуни кўрсатяптики, тингловчилар фикр-мулоҳазалари билан қизиқиш, уларни амалий машғулотларнинг намунавий тематикаси билан ўз вақтида таништириш, тингловчиларнинг машғулотларга изчил тайёргарлик кўришларида амалий ёрдам бериш пировард натижада бирлашмамиз ишчиларининг ижтимоий ва меҳнат активлигини янада оширишга кўмаклашмоқда.

Партия Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини изчил адо этиш барча мактаблардаги пропагандистлар, шунингдек сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ўтказаётган суҳбатларининг диққат марказида турибди. Бизда Пленум қарорларини коллектив ўртасида кенг тушунтиришда кўргазмали агитация воситалари ва методик қўлланмаларга муҳим эътибор берилаяпти. Тингловчиларнинг активлиги эса ошиб бормоқда. Улар билан қизиқарли суҳбатлар ўтказиляпти, рефератлар тайёрлашяпти.

Сиёсий маориф кабинети пропагандист ва тингловчилар учун барча шароитларни яратиб берган. Кутубхонада хилма-хил адабиётлар мавжуд. Пропагандининг техника воситаларидан самарали фойдаланиляпти. Кўп нусхали «Тракторостроитель» газетаси «Пропагандистларга ёрдам», «Пропагандист — беш йилликка» рубрикаси остида энг яхши пропагандистларнинг иш тажрибаларини ёритиб бормоқда.

Анъанага кўра ўқув йили якунлари партия комитети мажлисида атрофлича кўриб чиқилади, тўпланган тажрибани мустаҳкамлаш тадбирлари белгилаб олинади. Сиёсий маориф кабинети олдида эса якунловчи машғулотларнинг ғоявий савиясини самарадорлигини оширишдек жиддий вазифа турибди. Ўйлаймизки, пропагандистларимиз ўқув йилининг бу муҳим босқичини муваффақиятли якунлайдилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОФИЯДА КЕНГАШ

СОФИЯ. Варнада социалистик мамлакатларда трикотаж саноати машиналари учун муҳим эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда тараққиётини қўллаш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланган III халқаро кенгаш очилди. Кенгаш «Интертекстильмаш» халқаро хўжалик бирлашмасининг ташаббуси билан уюштирилди. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Совет Иттифоқи, Руминия ва Чехословакия вакиллари илгари қабул қилган аҳдномаларнинг бажарилиш якунларини муҳокама этадилар ва бир-бирларига маҳсулот етказиб бериш юзасидан келгуси йил планини келишиб оладилар.



Вьетнамнинг шимолий-ғарбида жойлашган Дьенбьенфу воҳаси кўпчиликка маълум. Бундан 30 йил муқаддам Вьетнам халқ армияси француз мустамлакачи қўшинларни устидан шу ерда ғалаба қозонган эди.

СУРАТДА: бундан 30 йил муқаддам қақшатқич жанглар олиб борилган Дьенбьенфу воҳасида. Муон дарёси устидаги кўприкдан бугунги кунда қишлоқ хўжалик кооперативларининг техникаси ўтмоқда.

ВИА—ТАСС телефотоси.

ПРАГА КОРХОНАЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ПРАГА. Прагадаги 20 дан кўпроқ корхонанинг меҳнат коллективлари чехословак халқининг озодлик кураши тугаганлиги ва Чехословакия Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 40 йиллигига шарафига зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Прагаликлари и н г мажбуриятлари хўжалик планларини бажариш учун муҳим аҳамият касб этади. Прага корхоналари ЧССР машинасозлиги бутун маҳсулотининг қарийб 15 процентини ишлаб чиқармоқда.

Шуни айтиш кифоя ки, Чехословакия СССРга жўнатаётган оғир машинасозлик буюмлари экспортида «ЧКД—Прага» бирлашмаси ишлаб чиқараётган маҳсулот улуши 30 процентни ташкил этади. Чунончи, шу бирлашма ишлаб чиқараётган трамвайлар Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида маълумдир. Айни Совет Иттифоқининг буюртмалари туфайли бирлашма транспортнинг ана шу турини ишлаб чиқарувчи жаҳондаги энг йирик корхонага айланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида ихтисослашиш негизида «ЧКД—Прага» бирлашмаси қардош мамлакатларга, аввало СССРга етказиб бериладиган эпчил ва ҳаракатчан тепловозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, Прагада металл кириш станоклари ва темирчилик-пресс л ш ускуналарини ишлаб чиқариш қайта ташкил этилмоқда. Ана шу соҳадаги ихтисослашиш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг буюртмаларини яхшироқ бажариш имконини беради.

ГДР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

БЕРЛИН. ГДР меҳнаткашлари шу йилнинг дастлабки 4 ойи давомида ишларни катта муваффақиятлар билан якунладилар. Эълон қилинган ахборотда уқтириб ўтилганидек, шу давр ичида республиканинг миллий даромади 5 процент кўпайди.

Мамлакат саноатининг меҳнатчилари топшириқларни муваффақиятли адо этдилар. Улар саноат маҳсулоти ҳажмини 4,3 процент кўпайтиришни таъминладилар. Шу тариқа улар пландан ташқари 1,7 миллиард маркалик мол ишлаб чиқариб, меҳнат унумдорлигини 6,9 процент оширишга эришдилар.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари шу йилнинг дастлабки тўрт ойини яхши натижалар билан тугалладилар. Ем-ҳашакдан оқилона фойдаланиш, ишнинг илғор усулларини жорий этиш ва қишловни яхши ташкил этиш туфайли улар пландан топшириқларини ошириб бажаришга ва давлатга қўшимча равишда қарийб 10 минг тонна гўшт, 170,5 минг тонна сут, 39 миллион донага яқин тухум сотишга муваффақ бўлдилар.

Ўтган давр мобайнида, деб уқтирилади ахборотда, ГДР аҳолисининг фаровонлиги тинмай ошиб борди. Аҳолига қарийб 64 мингта янги ёки реконструкция қилинган квартира топширилди. Бу эса 190 минг гражданга уй-жой шароитларини яхшилаш имконини берди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎЛАМЛАРИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Республикада энг йирик бўлган Д. Сухэ-Батор номли давлат полиграфия комбинатида ишлаб чиқариш кенгайтирила бошланди. Бу тадбир шу йилнинг ўзидаёқ қаватли нашрлар чиқаришни икки баравар кўпайтириш, маҳсулот сифатини анча яхшилашни, технология жараёнини жадаллаштириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда комбинат мамлакатда ишлаб чиқарилаётган бутун полиграфия маҳсулотининг 70 процентини бермоқда, деди корхона директори Л. Зундуй ТАСС мухбири билан суҳбатда. Комбинатнинг моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланмоқда, технологияси ва маҳсулот сифати такомиллашиб бормоқда. Пойтахт матбаачилари социалистик мамлакатлардаги ўз ҳамкасбларининг илғор тажрибасини доимо ўрганиб, фото ёрдами билан теришни, офсет ва чуқур босмани эгаллаб олмоқдалар. 12 та марказий газета ва 32 та журналдан ташқари, бу ерда ҳар йили яна 400 номга яқин ҳар хил китоблар, кўп миқдорда ёзув-чизув буюмлари чиқарилмоқда.

Комбинат СССР ва ГДРдаги турдош корхоналар билан кўп йиллардан буён мустаҳкам алоқа боғлаган. Ёш монгол ишчилари бу мамлакатларда таълим олиб практика ўтмоқда, у ердан энг янги серунум машина-ускуналар мунтазам юбориб турилибди, тажрибани ўртоқлашиш учун мутахассислар келмоқда. Бу эса мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

ШУ КУННИНГ ИНТЕРВЬЮСИ

АРХИВЛАР ХАЛҚАРО ҲАФТАЛИГИ

21 дан 27 майгача Ўзбекистонда архивлар халқаро ҳафталиги ўтказилади. Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архив ишлари Бош бошқармаси бошлиғи А. А. Мирзабоевга бир неча савол-ларга жавоб беришини сўраб, мурожаат этдик.

— Алим Азизович, бу тадбир қайси ташкилот қарорига биноан ўтказилмоқда ва ундан қандай мақсад кўзланган?

— Архивлар халқаро ҳафталиги архивлар халқаро кенгашининг Бош ассамблеяси қарорига биноан иккинчи марта ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ўтмишнинг ҳужжатли ёдгорликларига жамоатчиликнинг диққатини жалб этишдир. Ҳафталик кунларида архивларнинг жамоат ҳаётидаги аҳамияти ҳар томонлама кенг ёритилади, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг бу борада эришган ютуқлари пропаганда қилинади.

Архив ишлари ҳозирги пайтда кенг ривожланиб, такомиллашиб, тараққий этмоқда. У ўзининг чексиз имконияти билан собит қадамлар босишимизда, сиёсий ва халқ хўжалик масалаларини ҳал этишимизда, меҳнаткашларни халқимизнинг жанговар ва меҳнат анъанаси руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат архиви ҳозирги пайтда тарихий ҳужжатларни мужассамлаштириш, сақлаш ва улардан кенг фойдаланиш борасида катта ишлар олиб бормоқда.

— Бизга маълумки, инқилобга қадар Ўзбекистонда бирорта ҳам давлат архиви бўлмаган?

— Ҳа, шундай. Октябрь инқилобига қадар Ўзбекистонда бирорта давлат архиви бўлмаган. В. И. Ленин 1918 йил 1 июнда Совет ҳукуматининг «РСФСРда архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш тўғрисида» тарихий ҳужжати — декретини имзолагандан кейин архив ишлари жонланиб кетди. Бу тарихий ҳужжатда давлат архив ишларини марказлаштириш ва ягона давлат архив фондини яратиш, уни сақлаш ва халқ манфаати йўлида ундан фойдаланиш омиллари белгилаб берилган.

Ҳозирги пайтда республикада учта Ўзбекистон ССР Давлат марказий архиви ишлаб турибди. Улар Ўрта Осиёда энг йирик бўлган — Ўзбекистон ССР Марказий архиви ва иккита ихтисослашган — Ўзбекистон ССР илмий-техника ва медицина-ҳужжатлари марказий давлат архиви ҳамда Ўзбекистон ССР кинофото ҳужжатлари марказий давлат архивидир.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон АССР Марказий давлат архиви, 12 та область архиви ва уларнинг районларга хизмат кўрсатувчи 60 та филиали ва Тошкент Давлат архиви бор.

— Қайси даврдан бошлаб бу архивларда ҳужжатлар сақлана бошлади ва ҳужжатларнинг ранг-баранглиги қандай?

— Ҳозирги пайтда йирик манбашунослик базаси бўлиб қолган давлат архивларида республикамизнинг сиёсий, иқтисодий тарихи бўйича XIII асрдан бошлаб шу кунгача бўлган миллионлаб ишлар мужассамлаштирилган, юз минглаб кино ҳужжатлари ва кўплаб тарихий манбалар (газеталар, журналлар, варақалар, плакатлар, овоз ёзувлари) сақланмоқда.

— Архивларнинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида бир неча сўз айтиб берсангиз?

— Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, архивларда мавжуд бўлган ҳужжатлар мамлакатимизнинг партия, совет ва хўжалик органларига катта ёрдам бермоқда. Ҳамда уларнинг кўпгина қисми фаолияти — экономика, сиёсат, социал ва маданий турмуш ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туркистонда ва Ўзбекистонда экономика, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият тараққиётини ҳар томонлама ёритувчи ҳужжатлардан тадқиқотчи олимлар, ёзувчилар, кинематографчилар, иқтисодчилар ва бошқа касб эгалари кенг фойдаланмоқдалар.

— Республикамиз юбилейи шарафига архив материаллари асосида қандай китоблар ёки тўпламлар нашр этилади?

— Шу йилнинг бошида «Ўзбекистон колхозчиларининг ташкилий-хўжалик мустаҳкамланиши (1933—1940 йиллар) китобининг қишлоқ хўжалиги бўйича ҳужжатлар тўпламининг тўртинчи жилди нашрдан чиқди. Яқин вақтлар ичида республика 60 йиллиги шарафига муносиб армуғон бўла оладиган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институти билан архивчиларимиз ҳамкорликда тайёрлаган «Ўзбекистонда 1905—1907 йиллар революцияси» ҳужжатлар тўплами ҳам нашрдан чиқади.

—Ҳафталик доирасида Тошкентда қандай тадбирлар ўтказилади?

— Тошкентда архивлар Халқаро ҳафталиги тадбирлари марказий архив, Тошкент область архиви ва Тошкент Давлат архиви ўртасида бўлиб чиқилган. Ҳар бир архив шу кунларда кенгашлар, семинарлар, идора архивлари кўригини ўтказади, ҳужжатлар намойиш этади, «Очиқ эшиклар» кунини ташкил этади.



КПСС аъзолигига номзод Нафиса Кабирова уч йилдан бери бадиий буюмлар фабрикасининг каштачилик цехида ўз касбини шарафлаб келмоқда. У Октябрь район Советининг депутати ҳамдир. Узига биркитилган топшириқларни 120 процентдан бажаришга эришаётган чевар тикувчи республика юбилейини муносиб тухфалар билан кутиб олишга аҳд қилган.

СУРАТДА: Н. Кабирова.

• *Меҳнат семестри олдидан*

ПУХТА ТАРАДДУД

Шу кунларда факультетимиз комсомол комитетига кирсангиз, у ёки бу қурилиш отрядининг ёзги меҳнат семестрига тайёргарлиги ҳақида қизғин баҳс бўлаётганлиги, аниқ режалар тузилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.


Умуман, олтинчи курс, факультет бўйича ёзги меҳнат семестрига тайёргарлик пухта тараддуд асосида олиб борилаяпти.

«Стоматолог» отряди бу йил ҳам Иваново шаҳрида меҳнат қилади. 54 кишилик бу отрядга ассистент С. Маҳмудов раҳбар этиб тайинланган. Отряд борадиган жойдаги қурилиш ташкилоти билан хўжалик шартномаси тузилиб, камида 60 минг сўмлик иш бажаришга келишиб олинди. «Стоматолог»нинг жангчилари бунёдкорлик ишларини адо этиш билан бирга бир қатор қизиқарли комплекс тадбирларни ҳам амалга оширадилар. Улар маҳаллий аҳоли ўртасида Ўзбекистон ва Ивановонинг анъанавий дўстлигига оид лекция ва суҳбатлар ўтказишади, концертлар қўйиб беришади. Иваново областидаги «Ўзбекистон» совхозида асфальт ётқизиш, спорт майдонларини, болалар хиёбонларини ремонт қилиш, Улуғ Ватан уруши ветеранларига ёрдам бериш каби ишларни бажаришади, совхознинг боғдорчилик, полизчилик ишларига кўмаклашадилар.

Факультетнинг бошқа отрядлари ҳам ёзги меҳнат семестрига тайёргарликни асосан якунлаётирлар. «Қурувчи» отряди Тошкент шаҳрининг янги турар жой массиви қурилишида, «Дўстлик» отряди ҳам шаҳар қурилиши объектларида меҳнат қилишади.

Режалар аниқ, тайёргарлик пухта бўляпти. Студентлар эса меҳнат семестрида шонли республикамиз тавалludининг 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат армуғонларини яратиладиган кунларни орзиқиб кутаётирлар.

Б. ЯҲЁЕВ,
Тошкент Давлат медицина институти стоматология факультети студент қурилиш отрядлари штаби бошлиғи.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг Юнусободдаги 2-филиалида фидокор ишчилар коллективининг асосий қисмини ташкил этади. Сайёра Улмасова ана шундай жонкуярлардан саналади.

СУРАТДА: социалистик мусобақа ғолиби С. Улмасова. Х. Мирзакаримов фотолари.

• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«СОХТА НАРЯД»

«Тошкент оқшоми»нинг 1984 йил 18 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилганди. Унда Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ёш ишчи кадрларга эътиборсизлик, молия интизомини бузиш ҳоллари танқид қилинган эди. Редакция шу танқидий мақола бўйича Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигидан жавоб олди. Бу жавоб мактубида, жумладан, шундай дейилади:

«Текширишда «Сохта наряд» мақоласида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Мақола Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ва касаба союз комитетларининг кенгайтирилган мажлисида цехлар, бўлимлар, участкаларнинг бошлиқлари иштирокида муҳокама қилинди. Бирлашмада чиқарилган буйруққа биноан мураббийлик бўйича ишлаб чиқариш таълими инструкторлари фаолиятига раҳбарликни бўшаштириб юборганликлари учун бирлашма кадрлар бўлими бошлиги Н. М. Левинга ва кадрлар тайёрлаш бўйича катта инженер Г. Т. Скороходовага выговор эълон қилинди. Бундан ташқари технолог Р. Шапповага потокда барчанинг тўла банд бўлишини ҳисобга олмай ишни нотўғри тақсимланганлиги учун, цех бошлиғи М. Ҳ. Абдувосиқовага ишчи Ш. Абдуқодировнинг аризасини ўз вақтида қараб чиқмаганлиги ва потокдаги ишчиларининг меҳнатини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўрмаганлиги учун выговор берилди.

Бригададаги ишлаб чиқариш нормаларининг бажарилиши бўйича ҳисоботда рақамларни бузиб кўрсатганлиги, Ш. Абдуқодированинг бажарган ишини ошириб ёзганлиги ва ишчиларга қонунга хилоф равишда мукофот тўлаганлиги учун мастер М. Мирзараҳматова уч ойга лавозимидан бўшатилиб, техника контроли бўлимига контролёр қилиб ўтказилди. Ишчиларга қонунга хилоф равишда тўланган 24 сўм 65 тийин миқдордаги мукофот унинг маошидан ушлаб қолинди.

Танқидий мақола бўйича Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилган буйруқ барча цехлар ва ишлаб чиқариш участкаларидаги ишчи йиғилишларида муҳокама қилинди. Бирлашма бош директори Ш. С. Аҳмадалиевага, бош инженер В. А. Шачневга мавжуд нуқсонларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмаганликлари ва улар ёш ишчилар меҳнатини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда шахсан масъулиятли эканликлари кўрсатиб ўтилди».

Э. ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг ўринбосари.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
21 МАЙ, 1984 й.



Италиянинг турли бурчакларидан Римга бир миллиондан знёд киши ҳукуматнинг иқтисодий йўлига қарши катта намойишда қатнашиш учун келди. «Астролябио» журналидан олинган ушбу суратда ҳокимият маҳаллий органларининг, коммунистик партиялар, демократик ташкилотларнинг вакиллари, ишчилар, студентлар, пенсионерлар — намойишчилар колоннасида.

ТАСС фотохроникаси.

ФАЛОНАТ САБАБЧИКА

Туркия пойтахтидаги чеккасидаги шаҳрида иккинчи жир автобуси юк автомашинасидаги рўй бериш нашув натижасида киши жароҳатланиб майиб бўлган. Ушбу ошғинларни порт воситаларидан қариш чоғида содир сизлик фалокати сабабчиси бўлганлиги қилинмоқда.

Статистика ма парига қарағанда кия автомобиль катлари сони жаҳонда олдинги лардан бирини туради. Ҳар йил лакат йўлларида минга яқин киши бўлмоқда.

ХАВФЛИ КАСБ

Бангладешнинг бий районлари қалган вабодан ортиқ киши ўлди кишилар касалхо келтиради, расм барларга кўра лар шу районлар дицина ходимлари гадаларини кўрс Улар хавфли ин ни бошқа жойлар казмаслик чора кўряптилар. Шу да аҳолини вабо шм эмланишдан саллиқка қарши профилактика ин рини тушунтир моқдалар. Оила касаллик сифати лик суви ичишга келади.

ЁМҒИР СИРА ЁҒМАЙДИ

Ер юзида шундай лар борки, у ер ғир сира ёғмайди ва Африканинг континентал ҳуд ҳоятда қуруқ ҳ чўлу-биёбонлари камдан-кам ёмғ лади. Онда-сонда ёмғир ҳам ерга т бўгланиб кетади.

ҚАЙГУЛИ СТАТИСТИКА

Норвегияда ва бошқа йил сайин ортиб моқда. Норвегия ти полициясига ўғирлик ва бос лик бўлганлиги 150 га яқин ар ди. Мамлакатда йилнинг иккини сутига жойлаш жабр кўрганлар миллион крон ри да пул тўлаш бўр бўлдилар.

ЯСАМА ШАРТ

Жанубий Корея бир мойлаш мачилик рўй бер ердаги банклар рида 210 миллион парлик ясама шартлари тушган. Ҳудди воқеа бундан бир муқаддам ҳам бўлиб ганди. Воқеа ларни сифатида министри ҳанда нафар давлат мамурий жавобга ка тортилган эди.

ЎТГА ЧИДАМ

Рейтер агентлиги хабарига қарағанда дерландиянинг гипс» фирмаси торияси гипс плиталари камлиқда бетон ва марга тенг келар Икки йиллик тажлар қурилишларда миқёсда қўлланиб ўта чидамли бинолар материали ишлаб риш билан якунланди.

30 МИНГ ДОЛЛАР

Швейцариядаги соат дунёдаги энг соатдир. Унинг қалинлиги 1,9 метрдир. Баҳоси қалинлигига пропорционал — минг доллар турар.

НАВБАТДАГИ «ТУҲФА»

Янги ой бошида рончи аҳолиси ҳаб ги «туҳфа» олди. К йидан олинаётган ларга кўра, бензин ра мой ва бошқа бошқа турларк дек газ нархи ўз цент кўтарилган. хизматининг барча ларни ўн процентга ёд қимматлашган.

КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Италияда кучли зила рўй берди. эпицентри Лацио пания ва Абруцци пастраларининг чеккаларидир. Милёнга ёқин ка институтининг лумотларига кўра, ости силкиниши нинг кучи 12 ба етган. Аҳолн ўртасида кўп киши марказ ган. Зарар кўрган онларга қутқарув рядлари юборилган.

Шарқ юлдузи

МАЙ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг бешинчи сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романи билан очилади. Мирзакалон Исмоилийнинг ўсмирлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Ўзингдан кўр» деб номланган ахлоқий қиссаси ҳам шу сонда чоп этилган.

Шеърият бўлимида Р. Бобожон, Шуҳрат, А. Эшоновларнинг ижодидан намуналар билан танишасиз. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан Фарғона водийси ижодкорларининг шеърлари «Мушоира» бўлимида берилган.

«Халқлар дўстлиги —адабиётлар дўстлиги» рубрикаси остида Сергей Алексеев, Гулрухсор Сафиева, Дмитрий Молдавскийларнинг қардош адабиётлар ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақидаги мақолалари бор.

«Бизнинг календарь» бўлимида шоир Боту туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати билан унинг ижодидан намуналар берилган.

Журналнинг «Рус адабиёти —маҳорат мактаби», «Публицистика», «Санъат», «Юбилярларимиз», «Адабий танқид», «Тақризлар» бўлимларида ҳам хилма-хил қизиқарли материаллар бор.

Сўз—фестиваль қатнашчиларига

Дўстликнинг қудратли кучи



Инсон учун тинчликдан кўра қадрлироқ ва муқаддасроқ нарса йўқ. Дарҳақиқат, империалистик кучлар янги уруш олдини ёқишга интилаётган бизнинг давримизда жаҳондаги миллионлаб кишилар тинчлик ҳимоясига отланмоқдалар. Ана шундай шароитда санъатнинг, унинг энг оммавий тури бўлган кино санъатининг кишиларни тинчликка, адолатга, ҳурликка чорлашдаги роли янада муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозир дунёнинг бирор бурчаги йўққи, у ерга дунё сиёсати кино билан кириб бормаган бўлсин. Осиё, Африка, Лотин Америкасининг энг қолоқ деб ҳисобланган мамлакатларида ҳам кино санъати тараққий этиб борган. Тошкентимизда ўтказилиб келинаётган халқаро кинофестивалларнинг уч қитъа кинематографиясининг ривожига хизмат қилибгина қолмасдан, тинчлик, ижтимоий тараққиёт, халқлар ўзаро дўстлиги учун курашда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Яқинда-йилга Тошкент фестивалида қатнашаётганлар сони ўтган йилгидан анчайин кўпроқ бўлмоқда. Турли мамлакатлар кинематографистлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланяпти. Бу муҳим ишда республикамизда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари ҳам меҳмон сифатида иштирок этадилар. Кўпгина халқаро ташкилотлар, жумладан, Африка Миллий Конгресси аъзолари ҳам анжуманда қатнашишади. ЮНЕСКОнинг фильмлари намойиш этилади. Машҳур совет режиссёрлари билан бир қаторда Япониядан Канито Синдо, Бразилиядан Нелсон Перейра Дос Сантос, Ҳиндистондан Раж Капур ва фарзандлари, Минерал Сен ва бошқа атоқли режиссёрлар келишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Республикамиз пойтахти уч қитъа киночиларини кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрди. Кўпгина ташкилотлар фестиваль қатнашчилари учун совғалар, ёдгорлик буюмлари тайёрлаб қўйдилар. Маданият муассасалари ва ижодий союзлар ўз мукофотларини таъсис этишган. «Ўзбекфильм» студияси ҳам меҳмонларни кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Тошкент ва Самарқандда, республикамизнинг бошқа жойларида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашадилар, ўлкамизнинг баҳорги тароватидан баҳраманд бўладилар. Ҳеч шубҳа йўққи, бу кинофестиваль ҳам олдинги анжуманлар каби дўстлик ва тинчлик ишига хизмат қилади.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

СУРАТДА: «Алибобо ва қирқ қароқчи» фильмидан кадр. Фильм қаҳрамонлари ролида Зикир Муҳаммаджонов ва ҳинд актёри Р. Сниг.





БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН

Бутунги фотоҳикоямиз Тошкент заминида бўлиб ўтган икки дўстона учрашув ҳақида. Биринчи суратда VII Халқаро кинофестиваль қатнашчилари пойтахт области ишлаб чиқариш меҳнаткашларини қизғин қутиб олаётган. Иккинчи суратда эса болаларнинг режиссёр Х. Герра ва оператор киноактрисаси В. Малкларини кўриб турибсиз. Уларни меҳмонхонаси Тошкентдаги ижодий учрашувлар дўстона кечирган.

В. Глауберзон фотоси.

• *РУС АДАБИЁТИ—МАҲОРАТ МАКТАБИ*

Ғафур ҒУЛОМ.

ТОЛСТОЙ ВА ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИ

Лев Николаевич Толстойнинг сўнмас даҳоси инсониятнинг буюк йўлбошчиси В. И. Ленинни ҳайратга солар эди. В. И. Ленин бу мутафаккир адибнинг фавқулоддда истеъдодига катта ҳурмат билан қарар эди. М. Горькийнинг хотирасича кўра, «Уруш ва тинчлик» романининг ўтли саҳифаларидан бенҳоя таъсирланган Лепин Л. Н. Толстой тўғрисида бундай деган эди: «Қандай зот-а? Қандай туғма инсон. Мана буни санъаткор дейдилар... Яна, биласизми, кишини нима ҳайратга солади? Адабиётда шу графга қадар чинакам санъаткордан асар ҳам йўқ эди. Европадаги қайси ёзувчини у билан ёнма-ён қўйиш мумкин?.. Ҳеч кимни».

Л. Н. Толстойга берган бу баҳосида В. И. Ленин мутлақо ҳақ эди. Жаҳон адабиётида Толстой билан беллашадиган бирон буюк санъаткорни топиш чиндан ҳам амри маҳол. Унинг катта маҳорат билан яратилган асарлари гарчи кечмишнинг адабий меросини ташкил этса ҳам, улар ўз моҳиятлари билан коммунистик келажагимиз учун ёт бўлолмайди. Унинг асарлари келажакка ҳам мансуб.

Л. Н. Толстой ана шу тарзда, фавқулодда истеъдод эгаси, устод ва доҳий адиб сифатида ўзбек халқининг орасига, ўзбек адабиётига кириб келди. Ўзбек совет прозасининг тараққиёт йўлини — унинг классик адабиётининг буюк намояндалари қаторида Толстой асарларининг таъсирисиз, Толстой прозасининг энг илғор ва энг юксак традицияларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Толстойнинг моҳир қаламига мансуб бўлган жаҳон маданияти хазинасининг энг асл дурдоналари барча ўзбек совет ёзувчилари учун чинакам маҳорат мактаби бўлиб келди. Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий, Ойбек ва Шароф Рашидов, Абдулла Қаҳҳор ва Яшин сингари йирик сўз усталарининг истеъдоди, уларнинг ёзувчилик маҳоратлари ана шу мактабда шаклланди.

Толстой ўз даврининг тарихий-бадиий ифодасини яратди. Унинг асарларида катта санъат билан тасвирланган кишилар — жонли, ҳаётий, доимо ҳаракатчандир. Биз уларнинг барча қирраларини — ҳар томонликларини, чуночи, олий туйғулари билан тубан ниятларини, эзгу интилишлари билан бирга хунук хатти-ҳаракатларини кўрамиз. Уларнинг кулгилари, қувончлари, кўз ёшлари ва оғир кечинмаларининг гувоҳи бўламиз. Кўзимиз олдида дард чекаётган кишига қайғудош бўлгандек, бу кишиларнинг кўз ёшларини кўриб, астойдил эзиламиз, уларнинг кулгусига ва қувончига шерик бўламиз.

Толстойнинг инсон образини шу қадар моҳирлик билан чизиши унинг бадиий маҳоратига мансуб бўлган муҳим хусусиятлардан биридир. Ўзбек совет ёзувчиларининг Толстой ижодий меросига такрор ва такрор мурожаат этишининг боиси ҳам шунда.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий биографиясида Л. Н. Толстойнинг роли бениҳоя катта бўлди. У Толстой асарларини тинмай ўрганди, унинг характер яратиш масалалари билан боғланган хусусиятларини, ижодий услубини эгаллашга интилди. «Бунинг натижаси жуда тез кўринди, — дейди Абдулла Қаҳҳор, — шундан кейин ёзган ҳикояларим олдинги ёзган ҳикояларимдан жуда катта фарқ қиларди, ҳақиқатнинг баҳосига кўра, бу ҳикояларда «ёрқин чизилган образлар» пайдо бўлди».

Бу Толстойнинг ўзбек совет адабиётининг равнақига кўрсатган самарали таъсири тўғрисида ўзбек адибларининг Абдулла Қаҳҳор тили билан айтган сўзлари эди. Чиндан ҳам, биз ўзбек ёзувчилари Толстой даҳоси олдида миннатдормиз.

Толстойнинг қандай қилиб ўқувчини қаҳрамонларнинг ички дунёсига бевосита олиб киришини ҳамда ҳаётни тасвирлашга қаратилган асосий услубларини ўрганиш ўзбек совет ёзувчиларининг социалистик реализм методини чуқурроқ эгаллашларига, ҳаётнинг ҳаққоний ифодасини яратувчи асарлар вужудга келтиришларига ёрдам берди. Толстойнинг ижоди социалистик реализм адабиёти учун ёт нарса эмас. Аксинча бу адабиёт классик санъаткорларнинг энг яхши традицияларини давом эттириши ва ривожлантириши. Шунинг учун ҳам Толстой асарларини жон-дили билан севиб ўрганган Ҳамид Олимжон: «Социалистик реализм адабиётига Толстой катта бир дарё бўлиб қўшилади, бу дарё тагида бўлган гавҳарлар бизнинг муҳаббатимизни ўзига тортиб туражакдир», деб ёзган эди.

Лев Толстой барча жаҳон ёзувчилари учун адабий мактабдир. Бизнинг совет адабиётимиз ижод сирларини, маҳорат калитини, янги кишининг сиймосини яратиш учун киришар экан, лозим бўлган маҳоратни шу мактабдан олади.

Толстой ҳеч қачон қаримайди. У шундай доҳий санъаткорларданки, унинг ҳар бир сўзи биз учун ўгитдир. Унинг ижоди худди бир чашма. У ҳар доим мавж уради. Биз бу чашмага тез-тез, такрор ва такрор мурожаат этамиз. Гўё, назаримизда, шу чашманинг сувидек зумрад ва мусаффо оби ҳаёт йўқдек.

1960 йил.



Мирзакалон ИСМОИЛИЙ

БОШИМ УСТИДА ҚУЁШ

«Ўзингдан кўр» қиссасидан парча

Касалхонадан чиққанимга мана бир неча кун бўлиб қолди. Дастлабки кунлари ўзимни зўриқтирмай ишлашга ҳаракат қилдим. Кейин-кейин меъёрига тушиб, мана ҳозир ноппа-нозанин ишлаяпман. Оғир ишлар бўлса, аслида унақа иш йўғу, мабодо бўлиб қолса, яқинимда ишлайдиган шерикларим қарашиб юборишади. Кеча тайёр китобларни иш жойидан жилдириш зарур бўлиб қолувди, звено бошлиғимизнинг ўзи, Ўраймжон келиб, китобларни бошқа ёққа кўчириб берди. Шу баҳона пича гаплашиб қолдик. Гап менинг орқамдан тепиб йиқитган, оқибатда бошимни ёрган муттаҳам устида кетган эди. Мен касалхонада ҳеч нарсадан хабарсиз ётаберибман-у, бу ёқда дув-дув гап!

— Билсангиз, айтиб беринг, нималар бўлди?— дедим, Ўраймжоннинг чиройли кулиб турган чиройли чеҳрасига қараб.

—Э, гап кўп, оғайни!—деди у, калласини сараклаб. Кейин бирдан эсига тушиб ҳайрати ошгандек, сўради:— Улар уч киши экан-у?

— Кимлар?

— Сизга ҳужум қилганлар.

— Қўйинг-э!

— Ҳа, уч киши экан. Биттасини танийсиз. Лақаби «Чикалдак».

— Ўзим ҳам шудир деб юрувдим. Демак, шерикликка кўнмаганим учун қасос олишибди-да! Вой ярамаслар-ей!

— Нима, бирон қора ишлари бор эканми?— деб сўради Ўраймжон.

— Қайдам, — деб жавоб бердим. Кейин ҳайронлигимни айтдим. — иш жойимга келиб дўк урганда ҳам, дўк-пўписанинг том маъносини англамаган эдим. Ҳозир ҳам англаёлмаяпман. Улар менга нимага уришди. Ўртада талашадиган нарсамиз бўлмаса, улар билан оftобда қатиқ ичишмаган бўлсам. Шуниси мени қийнайди. Тавба, уларнинг бирон қора ишлари бор-у, ундан мени хабардор деб қўрқишдими? Ишқилиб, бир бало борда!

— Бўлиши керак, буларнинг табиатини яхши биламан. Улар ўзларини ҳар қанча қўрқмас, довюрак қилиб кўрсатишмасин, тор келиб қолганда сичқон инини минг танга бўлса ҳам сотиб олишади. Булар шунақа шумталар!

— Тўғри айтдингиз, дўстим Ўраймжон, булар билан ўтган йили милиция авахтасида дуч келишганман. Ўшанда ҳам ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, менга бало-қазодек ёпишишган. Чикалдакку, пуф десангиз учиб кетадиган, вазни йўқ, тоши йўқ бир бало! Буларнинг Зўпидин деган жўрабошлари бор, ана унга бас келиш осон эмас.

— Қаердан биласиз?

— Авахтада ишлашганмиз.

— Ким зўр чиққан?

— Ҳеч ким.

— Қанақасига?

— Милиционер кириб қолди-ю, пилдирпис бўлдик.

— Учинчиси-чи?

— У ҳам шуларнинг биттаси-да.

Ўраймжон яна пича у ёқ-бу ёқдан гаплашиб тургандан кейин зарур ишлари борлигини айтиб, узр сўраб кетди. Қизиқ, яхши одамнинг оҳанграбоси бўладими, ўзига тортиб, кўйиб юбормайди. Ўраймжон хайр-маъзур қилиб кетгандан кейин мен гўё ярмим ўзимдо тушгандек оғир ҳолатда қолдим.

Ҳўб аломат дунё бу! Бир маҳал куракда турмайдиган бирон ярамас ишни қилиб қўясан-да, кейин аттанг дейсан. Унисини ҳам аттанг дейди, буниси ҳам, Нима учун бундай? Буни ўйлаш керак. Ҳар қандай ёмон иш— ўйламай қилинган ёмон иш оқибати бўлса, ҳар қандай яхши иш, яхши натижа —чуқур ўйлаб, етти ўлчаб қилинган оқилона иш оқибатидир. Тавба, ёмон нарсанинг ҳам яхши томони бўлади, дейишса, масхара қилиб кулардим. Энди билсам, йўқ, унчалик эмас экан. Масалан, қилган ёмонлигингиздан бошингизга тушган кўргилик сизни ўйлашга, бу ўй йўл қўйган хатоларингизни тан олишга мажбур қиладими? Қилади. Ҳа, баракалла! Ўйлаш — яхшилик, ўйлашга мажбур қилган ҳолат ҳам яхшилик, албатта.

Орқа-олдимга қарамай берилиб ишлаётган эдим, қўққисдан капитан Турсунали ака Ўраймжон билан келиб қолди. Мен қўлимдаги ишимни қўйдимда, сакраб туриб салом бердим.

— Анчадан бери устингда турибмиз-у, мундоғ қарамайсанам-а! — деди капитан. Мен олдимдаги ишимга ишора қилдим.— Биламан, бу ерда планни бажариш, яхши ишлаш керак. Смена планини бажаряпсанми ишқилиб?

Мен жавоб қайтаришга улгурмадим. Ўраймжон жавоб қилди:

— Мана, бир неча кун бўлди ишга тушганига, ҳар кун смена нормасини гоҳ орттириб, гоҳ икки баравар қилиб бажаряпти. Перекур қилайлик, деб ярим соат ўтириб олмайди. Ҳалоллик бўлса, шунчалик бўларда! Яна, бунинг устига касалхонадан чиқиб келиб, шундай баланд кўрсаткич билан ишлаяпти. Звено йигитлари янги шерикларидан ниҳоятда хурсанд.

— Сен-чи? — деди капитан, юз-кўзлари билан баралла кулиб.

— Элдан олдин мен хурсандман.

Капитан Ўраймжоннинг хурсанд мақтовидан яна ҳам жонланиб:

— Стартни тўғри олибсан, баракалла, — деди Тўлага қараб.

Капитан қилган ишларимдан баъзиларини олиб кўрди, чамамда маъқул тушди шекилли, аста жойига қўйиб, мамнун жилмайди.

— Хўп, Тўлажон, бу хил гапларни кўп эшитгансан, бундан кейин ҳам яна эшитасан. Мен сен билан бошқа тўғрида гаплашгани келувдим.

Мен жоним билан гапни чўзиб ўтирмай, гаплашишга тайёр эканимни айтдим. Капитан лўндасини айтди.

— Эртага Чикалдакларнинг ишини кўрамиз. Сен ҳам жабрдийда сифатида сўроқдан ўтасан. Сендан илтимос: бор гапни оширмай-яширмай борича айтиб берасан. Бу соҳада анча-мунча тажрибанг бўлса ҳам, яна таъкидлаб қўяй: йўқ, гапни гапириш— туҳмат, бор гапни яшириш — жиноят. Биласан-а?

— Биламан, — дедим тетик овозда.

Капитан менинг луқмам билан узилиб қолган сўзини давом эттирди: Яна бир ҳақиқатни эслатиб қўяй: сенга ҳужум қилганларни, айниқса «Чикалдак» лақабли болаларни ёмон кўрарсан. Лекин бу сенга унга туҳмат қилиш ҳуқуқини бермайди. Одамда инсоф бўлиши, ҳақиқий инсоний қонун қўйган чизиқдан чиқиб кетмаслиги керак. Фалончига ёқаман, фалончидан ўч оламан деб ҳақ йўлдан тойма! Бу нарсанинг иккаласи ҳам виждонсизлик.

Мен бу ерда қилинадиган жиноятни шу ернинг ўзида ими-жимида ёпди-ёпди қилиб қўяқолишса керак, деб ўйловдим. Йўқ: ҳечам ундай эмас экан-да! Чикалдак шериклари билан жазосини тортадиган болалар югуриб чиқишиб, қичқириқ, ҳайқириқни баттар авж олдиришди. Ҳамма бир-бирига навбат бермай қичқирар, сакрар, югурар, гап нимада эканидан бехабарлар ҳеч нарсага тушунмай ванг туришар эди. Осмонни ағдариб, ерни тўнтариб ташлашга қасд қилган бу даҳшатли шовқин-сурон ичида кимнингдир қудратли овози янгради:

— Амнистия! Авфи умумий! Гуноҳимиз кечирилибди!

— Ура! Яшасин авфи умумий!



Бу шов-шув устига қудратли бир товуш босиб тушди:

— Катта залга! Ҳамма катта залга йиғилсин!

— Ура! Юринглар, амнистия!

Иш вақти тугашига бир неча дақиқа қолганда кўтарилган бу оламбузар шовқин одамлар залга йиғилгандан кейин ҳам дарров тинақолмади. Ҳаммани жим қилиб, зални тинчитиш учун яна анчагина вақт кетди. Ниҳоят, зал бирмунча тинчиб, одамлар жой-жойларига ўтиришгандан кейин милиция капитани Турсунали ака Омонов қадди-бастини ғоз тутиб, кўзларида бир жаҳон қувонч билан залга кулимсираб қаради. Қўлида рўйхатга ўхшаган бир неча варақ қоғоз бор эди. У шу қоғозни табаррук нарсадек ушлаб туриб гапира кетди:

— СССР Олий Совети Президиуми ўзининг сўнгги мажлисида қамоқдаги муддати бир йилгача қолган ўсмирларни колониядан озод қилиш ҳақида фармон чиқарди!

— Ура! Ура, яшасин амнистия!

Мана шу хил ура-уралар, «яшасинлар» билан вақт ўтганини билмай қолибмиз.

Уйга қайтадиган фурсатимиз етди.

МУШОИРА

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА ХОТИРАСИГА

Шафтоли гулларин ўйнайди шамол,
Суқунат қўйнида Ҳамзанинг уйи.
Сафияхон ая[1] сўйлайди беҳол,
Келтирган тугунин бир четга қўйиб:
«Амаким ёнида хориждан ёдгор —
Бир най бўлар эди. Ҳар саҳар палла
Уни қўлларига оларди такрор,
Уйғониб кетарди бутун маҳалла...»
...Кейин вилоятлар, кентлар уйғонди,
Жумҳурият тушди каттакон йўлга.
Шоир жаҳолатнинг бўлди қурбони,
Энди ўзлигини топганда ўлка.
Бари бир, тошларга эгмади бўйин,
Муқаддас инқилоб, ҳуррият сўзи.
Бутун бир ўлкани уйғотиб қўйиб,
Мангу ухлаётир шоирнинг ўзи...

[1]. Ҳ. Ҳ. Ниёзий жияни.

Баҳодир ИСОМОВ.

ШАМОЛ

Тулпор туёқлари остида
туғилади шамол...
Шамол қўшиқ айтар ҳайқириб
Тулпор туёқлари остида.
Олов бўлиб чақнаб,
Сув бўлиб сачраб,
умри ўтиб борар Шамолнинг
Тулпор туёқлари остида...

* * *

Мен сени йўқотиб қўйганман.
Нишонда адашган овчидек,
Қалбингга ўқ отиб қўйганман.
Гулим, ишқ кўксимда ўлмайди!
...Отилган ўқни-чи, бари бир
Орқага қайтариб бўлмайди...

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

ҚАЛДИРҒОЧ

Шамоллар кезганди беҳис, яланғоч,
Япроқлар қиқирлаб кулганди у куй.
Учиб кетарканман мисли қалдирғоч,
Қалбимда бир ўкинч ингради беун.
Қайтмас бўлиб кетди қалдирғочингиз,
Кўз ёшлари селоб бўлиб, онажон.
Тўкилиб боргандек узун сочингиз,
Туйғулари сароб бўлди, онажон.
Бу баҳор мен сизни йўқлай олмадим,
Бузмадим безовта кўнглингиз тинчин.
Йўқ-йўқ, қалдирғочга ўхшай олмадим,
Кечиринг, аёзда келганим учун...
Уйқудан уйғонсин ҳорғин бойчечак,
Онажон, бағрингиз тезроқ очингиз.
Қишда гул келтирди сизга бир этак
Мангу баҳор топган қалдирғочингиз!

Ҳалима ҚОРАБОЕВА.

ҲАР ДАРАХТНИНГ ЎЗ СЎЗИ БОР...

Ҳар дарахтнинг ўз сўзи бор, қўшиғи бор,
Ҳамма нарса ўзига хос яралгандир.
Не мавжудки, ўз қалбини этар изҳор,
Мазмун битса — шу ҳаётга аталгандир.
Совий бошлар ҳаво аста— қишдан дарак,
Қушлар эса шохдан-шохга кўниб куйлар.
Майсазорга айланади чор теварак,
Тиниш билмас қушлар яна ёниб куйлар.
Ҳаёт шундай ўтаверар фасл билмас
Рангини ҳеч йўқотмайди — асл гавҳар.
Қамишлардан чиқаверар ёниқ бир сас,
Ҳаётга ўз қўшиғини тортиқ этар.
Сочилмга оқ тушди, дема, оқлик —сароб,
Саробларга ишониб сен, бўлма дилхун.
Фақат тушкун йўлар дилни этар хароб,
Хоҳиш бўлса, баланд руҳда яшаш мумкин.
Баргларини тўкиб бўлган шохлар куйлар,
Музлаб қолган ирмоқлардан чиқар жаранг.
Ҳиссиз, дема тошларни сен, тоғлар—йўлар,
Куяверма, бўлса битиб кетар яранг.
Ҳаёт шундай яралгандир, қарнмас у,
Уни маҳкам қучиб олган ер ва осмон.
Сўлмас гулдай яшнаб турар ҳаёт мангу—
Яшар экан ер юзида агар инсон.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

21 МАЙ, 1984 й.

ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА



ЁЗГИ КАНИКУЛ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДА ВА КЎПГИНА БОЛАЛАР БУ ҚУВНОҚ ПАЛЛАДА ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИДА, САНАТОРИЙЛАРДА, ТУРИСТИК БАЗАЛАРДА ОРОМ ОЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг

ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ БОШҚАРМАСИ

ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА БОШ ПИОНЕРВОЖАТИЙЛАРГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ;

пионер лагерлари давлат ёнғин муҳофазаси маҳаллий органлари билан келишилган ҳолда мажбурий тартибда очилмоғи лозим;

пионер лагерлари территориясида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий риоя қилиш керак;

территория ва бинолар тоза ва тартибли ҳолда бўлиши лозим;

қуриб қолган ўтлар ўриб олиниб, лагерь ташқарисига чиқариб ташланиши керак;

болаларни эвакуация қиладиган чиқиш йўллари, коридорлар ва йўлаклар ҳамиша бўш бўлмоғи ва ҳеч қандай буюмлар билан тўсилмаслиги шарт.

ўсмирлардан иборат кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналарни ташкил этиш ва ҳар бир корпусда ҳар куни навбатчилик ташкил этишни амалга ошириш лозим.

Ётоқ биноларида электр иситиш приборлари (плиталар, электр чойнаклар, дазмоллар) қўллаш;

Электр асбобларини электр тармоқларига тиқилган ҳолда назоратсиз қолдириш

ҚАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНАДИ:

Чойшаблар ва кийим-кечакларни дазмоллаш учун махсус жиҳозланган бино ажратилиши лозим, дазмолларни эса ёниб кетмайдиган тагликларга қўйиш керак.

Смена очилиши ва ёпилиши олдидан пионер гулханларини ёқиш учун давлат ёнғин назорати маҳаллий органлари билан мажбурий тартибда келишиб олиш ва бу гулханларни ёқиладиган жой бинолардан камида 50 метр масофа нарида очиқ майдонларда ташкил қилиниши керак.

Гулханларни тез аланга олдириб юбориш учун енгил аланга олувчи суюқликларни ишлатиш қатъий ман этилади. Гулханлар ёқиладиган жой дастлабки ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Ёнғин пайдо бўлган ҳолларда пионер лагерининг раҳбари ва хизмат кўрсатувчи ходими қуйидаги вазифаларни бажаришга мажбур қилинади:

— «01» телефон орқали дарҳол ёнғин муҳофазасини чақириш ва маҳаллий ўсмирлар кўнгилли ёнғин дружинаси учун тревога бериш керак;

— биринчи навбатда ёнғин чиққан бинолардан, шунингдек аланга ва тутун тарқалиш хавфи туғилаётган бинолардан болаларни эвакуация қилиш учун тадбирларни кўриш керак; кичик ёшдаги болалар биринчи навбатда эвакуация қилинади;

— ёнғинни ўчириш учун лагерда бор бўлган куч ва воситалар билан дарҳол ёнғинни ўчиришга киришиш керак;

— чақирилган ёнғин ўчириш қисмини кутиб олишни ташкил этиш ва қисм бошлиғини болаларнинг ҳаммаси ёнаётган бинодан ёки тутун босиб кетган бинодан эвакуация қилинганлиги ҳамда яна қайси биноларда болалар қолганлиги тўғрисида батафсил маълумот билан хабардор қилишлари керак.

Дастлабки ёнғин ўчириш воситалари (аланга ўчиргичлар, сув тўлдирилган бочкалар ва ҳоказолар) етарли миқдорда, телефон алоқаси ишга созланган бўлмоғи керак.

АНА ШУ ЭҲТИЁТКОРЛИК ТАДБИРЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ БОЛАЛАРНИНГ СОҒ-САЛОМАТЛИГИНИ ВА УЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ДАМ ОЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ БОШҚАРМАСИ.

ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ ЖАМИЯТИ.

БУВИМИЗНИНГ УЗУГИ...

ОДДИЙ ВА СОДДА, АММО ХОТИРА СИФАТИДА БИЗ УЧУН НИҲОЯТДА ҚИММАТЛИДИР. БИЗ УНИ ТУМОР СИФАТИДА, МУҚАДДАС ЁДГОРЛИК СИФАТИДА АВАЙЛАБ САҚЛАЙМИЗ.

Тилладан ишланган буюмлар— шонли санага аталган энг яхши совғадир. У авлоддан-авлодга ўтар экан уни ким ҳадя қилгани ҳақида эслатиб туради.

БУ УЗУК, МАРЖОН, КОРУНД, ГАВҲАР, НИФРИТ ЁКИ ЭҲТИЁТЛАБ АСРАЛГАН ФЕРУЗА КЎЗЛИ ИСИРҒА БЎЛИШИ МУМКИН.



«ВНИИЮВЕЛИРПРОМ».

«ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЛИ МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАР



ҲАР ҚАНДАЙ МУРАККАБ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ҒОЯТДА ТЕЗ ВА АНИҚ БАЖАРАДИ!

Бундай маркали микрокалькуляторлар тўртта арифметик амал: қўшиш, олиш, кўпайтириш, бўлишни бир нафаслик дақиқада бажариб беради. Бундан ташқари квадратнинг илдизини чиқаради, процентли операцияларни бажаради, даражага кўтаради, тескари миқдорни, константали, аралашган ва тахминий ҳисобли амалларни ва бошқа амалларни бажаради.

НАВОИЙ КЎЧАСИДАГИ САВДО РАСТАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН 6-МАГАЗИНДА

21—23 МАЙ КУНЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ СОАТ 10 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Танаффус — 14 дан 15.00 гача.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-18-79).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 12-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

электр-пайвандчилар, монтажчилар, газ билан қирқувчилар, электриклар, ғишт терувчилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

машинистка, техника хавфсизлиги бўйича инженер, инженер-конструктор, инженер-сметачи, автоэлектрик, автослесарь, электр-газ-пайвандчи, бўёқчилар, сувоқчилар, тунукачилар, моторист, сантехник.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ташқи иссиқлик тармоқларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарлар, электр-газ пайвандчилар.

РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА ЗАВОДИГА

бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бетончилар, том ёпувчилар, слесарлар, монтажчилар, регулировкачилар, қалайловчилар, автоматларни созловчилар, штамповкачилар, прессловчилар, автоматловчилар, токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-асбобсозлар, пайвандчилар, электрослесарлар, қуювчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона,
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчилар бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Улар билим юртини битирганларидан кейин касб билан бирга тугалланган ўрта маълумотни оладилар; 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар 10 ой ўқийдилар ва ойига 64 сўм 77 тийин миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида бўлганларида, ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

3 йиллик программа бўйича таълим оладиган ўқувчилар учинчи курсда шофёрлик курсида бепул ўқийдилар ва билим юртини битирганларидан кейин диплом билан бирга ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам оладилар.

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича авиация саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, программа билан бошқариладиган станокларнинг электрон системаларини созловчилар, программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарлар, фрезировкачилар, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари слесарь-ремонтчиси, робот-манипуляторлар созловчиси, ОТК контролёри.

Билим юртида бокс, эркин ва классик кураш, футбол, волейбол, самбо, дзюдо спорт секциялари ишлайди. Бундан ташқари бадиий ҳаваскорлик, авиамоделчилик тўгараклари бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида, маълумоти тўғрисида; справкалар: турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; мактабдан характеристика, автобиография, 8 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиационний проезди, 10-уй (10, 23, 27-трамвайлар; 10-троллейбус; 44, 48, 97-автобусларнинг «Марказ-13» квартали ёки «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати). Телефон 41-89-01.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

Тошкент шаҳрида яшовчи ўрта маълумотлилар, 8-10-синфларни битирганларни қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, АЁЛЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, АЁЛЛАР ЕНГИЛ КЎЙЛАКЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ҳамда ихтисос эгаллайдилар. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати 1 йил. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси давомида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкалари, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Билим юртида «касби бўйича энг яхши» конкурслари анъанага айланиб қолган. «Красная гвоздика» комсомол-ёшлар клуби ташкил этилган, шунингдек, техника ижодкорлиги тўгараклари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар педсовет қарорига биноан Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқиш учун йўлланма оладилар.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 9, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар; 2, 3, 40, 45, 50, 54, 57, 58, 77, 80-автобусларнинг «Театральная бекати). Телефонлар: 55-42-59, 55-39-83.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги ихтисослар бўйича

КЕЧКИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек ва рус тилларида ўқиш учун: она тили ва адабиёт, математика, тарих, педагогика ва психология (мактабгача), музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат;

ўзбек тилида ўқиш учун: физика, чизмачилик ва расм, педагогика ва бошланғич таълим методикаси;

Кечки бўлимга ўқиш учун танлаган ихтисоси бўйича ишлаётганлар ва ўрта маълумотга эга бўлганлар қабул қилинадилар.

Институтга кирувчилар институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), институтга кириш учун берилган характеристика (корхона ёки муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 286-формадаги медицина справкаси, 6 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Она тили ва адабиёт, тарих ихтисоси бўйича кирувчилар — она тили ва адабиёт (оғзаки ва ёзма), СССР тарихи (оғзаки), чет тили (оғзаки) дан;

математика, умумий техника фанлари ва меҳнат ихтисоси бўйича кирувчилар —математика (оғзаки ва ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма);

чизмачилик ва расм ихтисоси бўйича кирувчилар — чизмачилик, расм, математика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма), физика (оғзаки);

бошланғич таълим методикаси ихтисоси бўйича кирувчилар — математика (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки);

педагогика ва психология (мактабгача) **ихтисоси бўйича кирувчилар**—биология (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки);

музика ва ашула ихтисоси бўйича кирувчилар — ихтисосдан, она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки)дан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Ариза ва ҳужжатлар 1 июнгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1—20 июнь кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —22/V да **Иоланта.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/V да **Хотинимнинг эри.**

кино

21 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛСИН» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00, телефон 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — **Қозоғистон** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 66-15-75).

«САЛАМАНДРА» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ҚИШЛОҚ ОРТИДАГИ ОТИШМА» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ ХАЗИНАСИ ТОМОН» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

22 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛСИН» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00, телефон 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 66-15-75).

«САЛАМАНДРА» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ҚИШЛОҚ ОРТИДАГИ ОТИШМА» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ ХАЗИНАСИ ТОМОН» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

И. Бунининг «РАССКАЗИ», В. Лажечниковнинг «ПОСЛЕДНИЙ НОВИК», И. Новиковнинг «ПУШКИН НА ЮГЕ», «СКАЗКИ БРАТЬЕВ ГРИММ» китобларига берилган

АБОНЕМЕНТЛАР МУДДАТИ
1984 йил 1 июлгача
УЗАЙТИРИЛАДИ

Тошкент шаҳар «Вторсырьё» ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси.

ТВ

душанба

21 МАЙ

● МТ I
18.05 «Онамларнинг мактаб...
18.35 Мактаб ўқувчилари... вет Иттифоқи Қ... СССР қишлоқ хўжали... нистрининг ўринбосари... Рунов билан учрашув...
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар... конструкция».
20.00 Тинчлик велосипед... Польшадан олиб кўрс... ди.
20.20 Малая Броннадаги... драма театри И. С. Т... нинг «Қишлоқда б... пьесаси асосида саҳ... тирган фильм-с... премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Қишлоқда бир ой»... спектаклининг давоми.
00.05 «Дунё воқеалари».
00.20 Футбол шарҳи.

● ЎзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.15 Ўсмирлар учун. «Ор...
18.45 Мультфильм.
19.00 Совет Армияси жанг... учун. «Ёдимизда ва... мизда ҳамиша» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Осиё, Африка ва... Америкаси мамлакатлари... Халқаро Тошкент к... тивали олдидан. «Кино... ция почтасидан».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевид... ва радиоси уйғур анса... нинг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима... Халқаро аҳвол кундали...
22.20 «Муҳаббат ва нафрат... дий фильм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II
18.25 Кўрсатувлар програм...
18.30 «Қизиқарли математи...
19.00 «Ямалнинг кашф эт... «Камалакни ижод эт... лефильмлар.
19.45 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Жаҳон адабиёти... лари». А. С. Пушкин... маткор ойимқиз».
21.20 «Республикам кунл... жатли фильм. «Ўзб... фильм).
21.30 МТ II.

сешанба

22 МАЙ

● МТ I
9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.00 И. С. Тургенев. «Қиш... бир ой». Фильм-спект...
13.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар б... мизнинг ишимиз». Ҳуж... фильмлар.
16.00 Қадимий вальслар.
16.35 А. Конан Дойль. Ҳаё... ижоди саҳифалари.
17.15 «Моҳир қўллар».
17.45 И. С. Бах. 5-Бранденбург... мажор концерти. ... олиб кўрсатилади.
18.10 «Биз БАМни қурямиз...
18.55 Тинчлик велосипед пой... Польшадан олиб кўрсат... ди.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Ҳозирги замон ва ... ҳаракати».
20.15 «Давлат чегараси». Те... зион бадиий фильм пр... раси. 3-фильмнинг 1-с... си.
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт ст... сида ёшлар кечаси.
23.50 «Дунё воқеалари».

● ЎзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
11.00 «Ўзим ҳақимда айт... Телефильм.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Ўқувчилар бригадаси...
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари... «Ҳунардан бахт унар...
18.55 «Иқтисодий экспер... амалда». «Средазэлек... парат» ишлаб чиқариш... лашмаси (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўрта Осиё республи... ҳамда Қозоғистон ком... лари ўртасида акробати... бўйича матч учрашув... лик» спорт аренасидан... портаж.
20.15 «Ғаллакорларнинг шу... муҳим вазифалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла» вокал-чолғу анс... лининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ассалом, фестиваль!» ... Африка ва Лотин Амер... мамлакатлари VIII Ха... Тошкент кинофестива... очилишига.
23.10 Янгиликлар.

«Узкультторг»нинг Тош... областлараро улгуржи ба... коллективи музика ... бўлими бошлиғи А. Н. М... хўжаевга рафиқаси **Малика СУЛТОНОВАнинг** вафот этганлиги муно... билан чуқур таъзия изҳор... лади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — ... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

21 МАЙ, 1984 й.

Р—14019. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10